



ЖАМИЯТ

№ 20 (796)
2022 йил
26 май,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru



t.me/bonguz1



РОСТ ГАПДАН КИМЛАР ҚЎРҚАДИ?

НЕГА?

ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН ҚАСИДА

Ёхуд машҳур
хонанда
Олег Газманов
нима учун
фикрини
ўзгартирди?



ERKIN VOHIDOV

ФАРЗАНДАРИМИЗ КИТОБ ЎҚИШНИ БИЗДАН ЎРГАНСИН



УНУТИЛМАС


Тўрт кун....

Ёхуд Қорақалпоқ
экоинспекторларининг
хавфли
фаолияти
билан
танишув



ЎЗБЕКИЯ:

ҚОҲИРА МАРКАЗИДАГИ
ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ



Буюк ҳажвчи Азиз Несиннинг бир қахрамони эрта билан туриб, бугун факат рост гапни гапирман, деган қарорга келибди. У хотинига қараб, сенинг харажатларинг шунчалик кўпки, мени майиб қилдинг депти. Хотини ундан аразлабди. Кўчага чиқиб композитор қўшнисига истъододсизлигини айтибди. Композитор у билан юз кўрмас бўлибди. Кун бўйи ҳаммага рост гапирибди. Ундан хафа бўлганлар биргалашиб, ҳалиги қахрамонни роса дўппослашибди. Демак, рост гапнинг ҳам ўз мезонлари мавжуд экан.

Халкнинг илғор қатлами ҳисобланмиш зиёлилар, илм фан, тиббиёт маданият, таълим фидойиларининг бир қадар қашшоқлашуви ва иккинчи бир қатламнинг қисқа муддат ичида ҳаром-ҳариш кирди-корлар эвазига беҳад бойиб кетиши натижасида ижтимоий тенгсиз-

ни олишга интилади. Бирок ботиний ахлоқи бўлмаганлиги туфайли ич-ичидан емирилиб бораверади.

Рост гапдан кўрқадиган одамлар чувалчангга ўхшайди. Чувалчанг шилликқуртлар оиласи сифатида икки жинсли бўлади ва шароитга қараб турланади. Ўша одам чувалчангга ўхшаб ёнидаги шеригига қараб рағбат олади, у замонни ёмонласа, қўшилиб ёмонлайди, шарафласа, хайрихоҳлик билдиради. Чунки унда фикр йўқ, ботиний покликдан узоқ, кузатувчанлик кайфиятида бўлади. Шўро давридаги боқимандалик бу одамнинг онгини мажруҳ қилиб ташлаган, мустақил иш қилолмайди, дунёни чувалчангга ўхшаб ўз қобидан кўради.

Япониялик олимлар одамнинг иймон-этикодлилиқ даражасини, ботиний поклигини аниқлайдиган тўтикуш яратибди. Кўксига электрон текширгич ўрнатилган тўтикуш унинг рост ёки ёлғон гапириши, юрак-томир уриши, асаб толалари жойлашуви ва сонига қараб одамнинг қандай ахлоққа эгаллигини айтиб бераркан. Раҳбарликка тавсия қилинган ҳар бир номзод тўтикуш суҳбатидан ўтар экан. Бу қурилма яқин келажакда японларнинг радиация миқдорини ўлчайдиган хатқалами тарзида ишлаб чиқариладиган бўлибди.

Тасаввур қилинг: чўнтакда шундай хатқалам бор, кимга яқинлашсангиз, унинг ботиний ахлоқи қандайлиги дарров аён бўлади. Зотан, бизга бу асбобнинг кераги ҳам йўқ, кимнинг кимлиги, яъни шайтон ёки фаришталлиги ҳар бир инсоннинг қилган савоб ва гуноҳ ишларига қараб қиёфасида зоҳир бўлади. Бу муҳрни бандаси юзидан сидириб ташлаёлмайди.

Бизнинг халқимиз минг йиллик диний ва миллий қадриятлар асосида тарбия топган ва рост билан ёлғон, ҳаром билан ҳалол, андиша билан итоаткорлик фарқини яхши тушунади. Лекин баъзан андишани ҳаддан ташқари меъёридан ошириб юборгани, ўта итоаткорлиги туфайли алданади, камситилади ва хўрланади. Меъёр бўлмаган жойда тарози посангиси бузилади. Посанги бузилган жойда эса, ҳақиқат барҳам топади.

Холислик йўқолган жамиятда унинг аъзоларидан ортиқча жасорат кутиб бўлмайди, кадрлар шахсий садоқатга қараб танланади. Тасодифий кишилар томонидан бошқариладиган матбуот жамият ойнаси сифатида эмас, раҳбарнинг шахсий манфаати ва дунёқарашини кўпчиликнинг фикри сифатида акс эттирадиган томорқага айланади.

Бундай кўринишлар жамият учун энг хатарли бўлган лоқайдлик ва сотқинликни келтириб чиқаради ва холислик ўрнини таъма, тўғри сўзнинг ўрнини ёлғон эгаллайди, шахсий манфаат ва тобеълик биринчи ўринга чиқади. Холислик, адолат ва ростгўйлик йўқолган жамиятда коррупция ва порахўрлик авж олади, миллат пароканда бўлади. Жамият ривожланишдан тўхтади.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ



РОСТ ГАПДАН КИМЛАР КЎРҚАДИ? НЕГА?

Бир подшо рост гапни қандай қилиб чиройли сўзлар билан ифода-лаш мусобақасини ўтказибди. Бир донишманд: «Ёмонлик қилманглар, ёмонлик кетидан ёмонлик келади», депти. Иккинчиси эса: «Яхшилиқ қилинганлар, яхшилиқ кетидан яхшилиқ келади», депти. Подшо мукофотни яхшилиқ ҳақида гапирган донишмандга беришга қарор қилибди. «Ҳар иккала ҳикматнинг маъноси бир, лекин улардан иккинчиси менга ёқди. Ёмонлик дейилганда қалбимдан бир совук тўлқин ўтди, яхшилиқ дейилганда, қалбимдан чароғонлик ўтди», – деган экан. Демак, рост гапни ҳам яхши йўсинда, бировнинг кўнглига тегмайдиган қилиб онгига етказа билиш жуда ҳам муҳим экан. Сўз айтиш санъати шундайки, инсон баъзан кўнглидаги ҳамма гапни ҳам очик-ойдин айта олмайди, ўшандай ҳолатларда у рост гапни чиройли қилиб айтиши керак.

Инсоният пайдо бўлганидан буён маънавий юксакликка интилиб келади. Барча пайғамбарлар, авлиё-ю анбиёлар, муқаддас китоблар, ахлоқ кодекслари, панд-ўғитномалар инсонни маънавий баркамолликка ундаб келган. Ҳатто бир пайтлар АҚШ олимлари одам ёлғон гапирмаслиги учун ҳақиқат сивороткаси яратган эди. Бу сиворотка одам қонига юборилганидан кейин унда рухий фаолиятни назорат қилиш жараёни тўхтайтиди ва ҳар қандай саволга тўғри жавоб олинади.

Худо ер юзиде жамики мавжудотни яратганида Одамзотга сўз ҳам бериб қўйди. Ҳайвондан фарқ қилсин, деди. Яхши сўз билан бир-бирини қувонтирсин, деди. Лекин Одам жаннатда биринчи шайтон билан дучлашган эмасми, ёмон сўзларни яхши сўзлардан кўра тезроқ ўзлаштириб олди. Сўзга ёлғон гап кўпайди, рост гап камайди.

Инсон улғайган сайин қиёфаси ўзгариб бораверади. Ёқимтой гўдакнинг бегубор чехраси эзгулик, ёшларнинг нурли чехраси келажакка ишонч уйғотади. Ҳар бир инсоннинг қиёфаси ўз ҳаётида қилган яхшилиқ ва ёмонлигига, савоб

ва гуноҳ ишига қараб, бора-бора ё фаришта, ёки шайтон шакли-шамойилини олади. Бу қиёфани энг мураккаб косметик амалиёт билан ҳам ўзгартириб бўлмайди.

Чунки инсоннинг қилган ҳар бир амали юзига балқиб чиқади, қандай одамлигини шоён қилади. Атрофингизга қаранг, фаришталарни кўрасиз: улар меҳр-мурувватли, Худога ишонади, йиқилсанг, суянчиқ бўлади, бир бурда нонни баҳам кўришга тайёр, қўлидан келган яхшилигини аямайди. Атрофингизга қаранг, шайтонлар гирдиқалпақ бўлиб юрибди: уларнинг иймон-этиқоди йўқ, Худога ишонмайди, мунофиқлик қилади, ўз манфаати йўлида хиёнат, қабохатдан қайтмайди, ҳаммани алдайди, сифатсиз маҳсулот билан қавмини заҳарлайди, тарозидан уради, мансаб-амал йўлида истаган одамни қурбон қилади.

Жамиятимиз шарқона тарбияга, ўзбекона қадриятга асослангани туфайли бу заминда бағрикенглик, меҳр-мурувват ҳаммани устувор ва пойдор бўлган. Шу туфайли бу заминдан дунё илмига пойдевор қўйган улуғ алломалар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан. Шўро тузуми тарбияси худосизликни тарғиб қилди ва коррупциялашган партия ўз йўриғига юрадиган маънавиятсиз ва ахлоқсиз кишиларни атрофига йиғиб халқ устидан хумкронлик қилди. Бу даврда аҳоли қатламлари ўртасида кескин табақалашув рўйирос кўзга ташланмаган бўлса-да, этикодсизлик ва ахлоқсизлик туфайли тузум ичидан емирилди, пароканда бўлди.

Шўро исканжасидан халос бўлган давлатлар табиий ривожланиш йўлига ўтди. Шахсий мулкка, тадбиркорликка эътибор кучайтирилди. Халқ маблағи эвазига бунёд этилган иншоотларни хусусийлаштириш баҳонаси билан бир юмалаб, мустақиллик ҳимоячисига айланган худди ана шу иймон-этикодсиз, қаламушнусха кимсалар уларни ўзаро тақсимлаб олиб мўр-малахдай еб-ютиб юборди. Оқибатда аҳоли қатлами ўртасида кескин табақаланиш пайдо бўлди.

лик пайдо бўлди. Шундан кейин ҳамма ёппасига ўзини тадбиркорликка урди. Аҳолининг бир қисми олди-сотди, бозор-ўчар билан шуғулланишга ўтди, бошқа қисми узоқ ва яқин хорижга гастарбайталликка ёлланди.

Шу билан бирга халқ орасидан жамиятнинг етакчи кучи бўлган ҳақиқий тадбиркорлар авлоди етишиб чиқди. Улар худо берган иқтидор билан ўз бизнесини йўлга қўйиб, ижтимоий тенгсизликни бартараф этиш, мамлакат фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшмоқда. Бундай бунёдкор инсонлар йиғилганни суяйди, меҳр-мурувватли, топганини эл билан баҳам кўради. Уларнинг кўнглида Худо бор, қиёфасида иймон нури бор. Шунинг учун фариштага ўхшайди.

Халқ мулкни талаган, ҳаром-ҳариш йўл билан бойлик орттирган, тарозидан урган, сифатсиз маҳсулот билан истъомолчини заҳарлаётган кимса қиёфаси аъмоли бадига қараб шайтон шаклига кириб боради. У ўз хиёнатини, қабохатини, чиркин қилмишини халқдан қанчалик яширмайсин, нуқси юзига уради, чехрасидан нур қочади.

Шайтон қиёфали кимсаларда ботиний покизалик, ички тарбия, ахлоқ ва ҳалоллик, мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик тушунчалари йўқ. Улар жамиятга, унинг ривожига шубҳа билан қарайди, ҳеч кимга ишонмайди. Ҳамма нарсани пул, бойлик, манфаат билан ўлчайди. Ўз-ўзини алдаш, ёқимли ёлғонларни ишлатиш авж олади. Халқни гафлатда, қарахликда тутиб туришга хизмат қилади, матбуотни ҳам ўзига мослаштиради ва йўриғига юргизади, қонунлар ишламайди, ўз-ўзига махлиёлик кучаяди.

Лекин ҳар бир жамиятда унинг фаровонлиги ва барқарорлигини табиатида ботиний поклик, ботиний ахлоқ устувор бўлган халқ таъминлайди. Шунинг учун шайтон қиёфали кимсалар халқдан, унинг ғазабидан кўрқади, халқ билан мулоим гаплашишга ҳаракат қилади, рост гапга ўхшаган ёлғон ваъдалар билан кўнгли-



Бола эдим. Бир куни бувим оппоқ дуррачага боғлаб қўйган китобларни кўриб қолдим. Улар қандай китоблар эканлиги, нега дуррачага тугиб қўйганлигини бувимдан сўрадим. “Ахлоқ-одоб ҳақидаги китоблар”, деб жавоб берди бувим. Улар қатта бувиларидан қолгани, жилди эскирган китобларнинг вароқлари сочилиб кетмаслиги учун боғлаб қўйганини айтди.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КИТОБ ҲАҚИДА БИЗДАН ҲАҚИДА

Ўша кезларда онам туман кутубхонасига аъзо эди. У билан туман марказига китоб олгани бориш мен учун байрам эди. Биринчидан, онамга эркалик қилиб, марказдаги дўконларни айланишим, ўзим истаган нарсани олдириш имкони тугиларди. Иккинчидан эса, кутубхонадаги ранг-баранг китобларнинг расмларини томоша қилардим ва улар ҳақида онамдан билиб олишга уринардим.

Мучал ёшига етганимда дадам билан марказдаги китоб дўконига бордик. Дадам менга кўпгина китоблар совға қилди. Шулар орасида Навоийнинг “Ҳамса” си ҳам бор эди. Йиллар ўтди. Менинг ҳам ёстигим остида турадиган китоблар пайдо бўлди. “Ҳамса”, “Ўткан кунлар”, “Икки эшик ораси”, “Чоликуши” ва бошқа жаҳон адабиётига мансуб асарлар. Жилдлари сарғайишга улгурган, кўп ўқилганидан вароқлари нозиклашиб қолган бу китоблар билан мени кўзга кўринмас ришталар, хотиралар боғлаб тургандек, гўё. Бувимнинг, онамнинг ёрқин хотиралари, дадамнинг меҳри гўёки мана шу китобларда акс этиб туради.

Мактабда ўқиб юрган кезларимда “Менинг Зайнабим” сарлавҳали иншоим республикамиз микёсида, юкори синф ўқувчилари орасида юксак баҳоланди. Иншода Зайнаб образи мисолида хотин-қизларнинг жаҳолатга ботишига сабабчи бўлган омилар ҳақида ўсмирга хос дунёқарашимни ёритгандим. Адабиёт ўқитувчим Абдулла Қодирийнинг

“Ўткан кунлар” асарини ҳар йили бир маротаба ўқишимни маслаҳат бераркан, йиллар ўтиб, фикрларим ўзгариши мумкинлигини айтди.

Чиндан ҳам бу асарни ҳар йили ўқиганимда, тафаккуримда янги бир қараш уйғонишига амин бўлдим. “Ўткан кунлар” романи энг гўзал миллий кадриятлар ўта нафислик билан акс эттирилган сахна асари каби. Асар бамисоли оқ-қора тасвирда ёритилган, гарчи мудҳиш кунларни акс эттирган бўлса-да, қора тасвирлар орасида “ярқ” этган миллий кадриятларимиз сурати каби кадрдон туюлади менга.

Университетда ўқиб юрган кезларимда курсдошлар билан стипендия олган кунимиз дўконларига шошилдик. Китоб дўконлари харидорларга тўлиб кетарди.

“Ёзувчи кўпайиб кетди”, “Ўқишга арзирли китоблар қамайиб кетди”... Назаримда, китоб ўқимаслик учун баҳона қидирадиганларнинг қарашини бу.

Ҳар бир даврда яратилган маҳсулотларнинг сифати бир хил бўлмаганидек, китобларнинг ҳам савияси ҳар хил бўлиши мумкин. Китобхонлик китобнинг сони билан белгиланмайди. Балки ўқувчи ва ёзувчи ўртасидаги рухий яқинликни акс эттиради. Қайсидир китобни ўқишга қийналсангиз, ундан воз кечманг, балки китоб муаллифи ҳақида ўрганинг. Ҳар бир ёзувчи алоҳида бир олам. Унинг ўзига хос дунёси билан таниш бўлган киши у ёзган сатрларни зерикамасдан ўқийди ва укади.

Китоб ўқимаган одам фикрлашдан тўхтайдди, деган ҳикматли гап ҳақиқат. Китоб инсоннинг тафаккурини кенгай-

тиради, деган фикрга китоб дунёсига кириб борган ҳар бир одамнинг кўшилиши аниқ. Айниқса, “Ўткан кунлар” каби йиллар тўфонидида қўлма-қўл бўлиб, ҳар бир даврда ўзига хос баҳоланиб келаётган адабиётлар ўзлиги, миллий руҳи ва яна бошқа жиҳатлари билан ўқувчилари сафини кенгайтириб бораверади.

Икки маротаба ўқишга арзимайдиган китоб бир маротаба ўқишга ҳам арзимайдди, деган эди XVIII асрда яшаб ижод қилган композитор, немис романтик операси асосчиси Карл Вебер. Дарҳақиқат, биз бугун Абу Райҳон Бериунини, Ал-Фаробийни, Амир Темурни, Алишер Навоийни ва бошқа ўнлаб, юзлаб шахсларни тарихда яшаб ўтган буюк аждодларимиз сифатида танийимиз. Бироқ улар қолдирган бой мерос бизга уларни бугун ҳам ўқиш, тафаккур даражаси билан ғурурланиш имконини беради. Бу, албатта китоб билан амалга ошади.

“Ўткан кунлар”ни хонадонидида сақлаган одамлар “ҳалқ душмани” сифатида жазога тортилганларини бувиларимиздан, боболаримиздан эшитганмиз. Бугун ушбу романи ўқишимиз учун ҳукуматимиз томонидан ёруғ, мухташам кутубхоналар барпо этилган. Уйдан чиқмаган ҳолда электрон кутубхоналардан фойдаланишимиз ҳам мумкин. Кўпинча китоб мутулаа қилаётганимда Гоголнинг шамни чўп билан ўлчаб қўядиган бобоси ёдимга тушади. Болақай китоб ўқиш учун “милт” этганки шуъладан фойдаланади. Кўркам кутубхоналар, жавонлар тўла китоблар, энг замонавий технологиялар бизга китоб мутулаа қилишимиз ва тафаккуримизни янада кенгайтири-

шимиз учун ўн хисса ортиқ имкониятлар яратаётгани олдимиздан оққан сув каби-дир. Уни кадрлашимиз шарт.

Юртимизда китобхонлик маданиятини оммалаштириш бўйича кўплаб тадбирлар ўтказилди. Бу албатта, хайрли. Бугун мен оналаримиздан фарзандига имкон бўлса ҳар куни ёки ҳар ҳафтада, ҳеч бўлмаганда, ойда бир маротаба бўлса ҳам, яхши бир китоб ҳақида гапириб беришларини сўрайман. Иш, турмуш ташвишларидан ё менинг, ёки сизнинг вақтимиз камдир. Бироқ қайсимишдир тарбиялаган китобсевар ўғлимиз, тафаккури гўзал бўлиб етишган қизимиз миллат учун ўнлаб, балки юзлаб ақлли фарзандларни камолга етказиб беради.

Болалигимда ҳар бир эртақ қахрамонлари ўз муроду мақсадларига етиши, эртақлар албатта эзуликка етаклашига ишондим. Ҳаётнинг турли чорраҳаларида кундалик ташвишларни тотганимда, барча қийинчиликлар ва синовлар ортида хайр борлигига ишониб яшашни, умид қилишдан тўхтамасликни китоблардан ўргандим. Ота-оналар болалар учун идеал ҳисобланади. Демак, кутубхонага аъзоликни боламизга биз ўргатайлик. Китоб ўқишни улар биздан ўзлаштиришсин. Китоб ҳақида улар билан суҳбатлашишни одат қилайлик. Шунда “болам, китоб ўқи, одам бўласан, олим бўласан”, ёки “тўғри юр, тўғри тур, илмни сев, ватанга содиқ бўл”, дейишимизга ҳожат қолмас, балки...

Зиёда АКБАРҚУЛОВА,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази
етақчи мутахассиси



МЕҲР КЎЗДА

Халқимиз меҳр кўзда, деб бежиз айтмаган. Йўқлаб, учрашиб туришмаса, яқин қариндошлар ҳам бир-биридан ажрашиб кетиши ҳеч гап эмас. Қуда-андачилик ришталари боғланган оилаларда эса бунинг йўриғи бўлакча.

Шу йил бошида Навоий шаҳридаги “Ҳаёт” маҳалласида яшовчи фуқаро Махфират Шокирова фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига мурожаат қилиб, икки нафар фарзанди билан ота уйда истиқомат қилаётгани, ҳовлида улардан бошқа ота-онаси, акаси оиласи билан яшаши, шароити оғирлигини инobatга олиб, уни ва болаларини собиқ турмуш ўртоғининг (2021 йил августда никоҳлари бекор қилинган) ўзлари доимий рўйхатдан ўтган уйига мажбурий тартибда киритиб қўйишларини сўраган эди.

Суд масалани атрофлича ўрганиб, М.Шокированинг даъвосини қаноатлантирди. Мажбурий ижро бюроси ходимлари ҳамда маҳалла-қўй саъй-ҳаракати билан даъвогарга собиқ турмуш ўртоғи отасининг номидаги ҳовлидан икки хона ажратилиб, кўч-кўро-ни билан жойлаштирилди. Тўғриси, аввалига нафақат

атрофдагилар, балки кўпни кўрган биз ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳам бу хонадон маҳалла учун нотинчлик ўчоғи бўлади, деб ўйлаган эдик.

Орадан мана тўрт ойдан зиёроқ вақт ўтиб, ажрашганлар қайта ярашишибди. М.Шокированинг қайноғаси келиб, ўз миннатдорчилигини билдирди. Набираларини суйишини, уларга ўрганиб қолганлигини таъкидлади.

Албатта, оилавий низо, ажрим ва ажрашган эр-хотин ўртасидаги мулкий муносабатларнинг барчаси ҳам шу тахлит ижобий ечим топавермайди. Аксарият ҳолларда аёлнинг ўз ота уйида доимий рўйхатда қолиши ёки белгиланган муддатни ўтказиб судга мурожаат этишлари масала ечимини чигаллаштиради, баъзида эса даъво аризалари рад этилади. Натижада жамиятда уй-жой билан таъминланиши зарур, ижтимоий ҳимоя муҳтож оила пайдо бўлади. Бунга суд амалиётидан ўнлаб мисоллар келтириш мумкин. Аксинча, биз юкорида келтирган мисол каби ҳолатлар ҳам ягона эмас. Таъкидлаганимиздек, барчаси ҳам шу янглиғ ярашиш билан хотима топаётгани йўқ. Бироқ оилада аёл ҳамда фарзандларининг уй-жойга бўлган ҳуқуқлари таъминланмоқда. Шунга бир мисол.

Навоийлик Латофат Холиқова 2001 йилда Қизилтепа туманига келин бўлиб тушган. Уч нафар фарзанди бор. Кенжа ўғлини даволатиш учун қасалхонада ётганида турмуш ўртоғи бошқа аёлга уйланиб олганлиги, доимий рўйхатда ўтган уйга уни ва фарзандларини киритмаётганлигини баён этиб даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Ушбу даъво аризаси суд томонидан ўрганилганида аниқландики, мазкур ҳовли даъвогар эри билан бирга яшаган даврда қурилган ва кейинчалик кадастр идоралари томонидан расмийлаштирилган. Шуларни инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 32-моддасига асосан Л. Холиқованинг даъво аризаси қаноатлантирилди.

Таъкидлаш жоиз, юкоридаги ҳолатларда адолат қарор топгандек туюлсада, бир оиланинг барбод бўлиши, фарзандларнинг ота меҳридан мосуво вояга етиши, албатта ниҳоятда нохуш воқелик. Бироқ ҳаёт, тақдир деган тушунчалар борки, у ҳар доим ҳам инсон истағига бўйсунмавермайди. Шу боис ҳам ҳар қандай вазиятда инсонийликни сақлаб қолиш, оилавий муносабатларни ўзаро ҳурмат ва иззат тамойиллари асосига қуриш турли ташвишларнинг олдини олади. Меҳр кўзда деган ҳикмат эса ҳеч қачон эскирмайдиган ҳақиқатдир.

Шерали ОЧИЛОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича
Кармана Туманлараро суди судьяси.

Мен ҳозир "Нуроний" жамғармаси Самарқанд вилоят кенгаши раиси вазифасида фаолият кўрсатаётган бўлсам-да, бир умр халқ таълими тизимида ишлаб келганман. Давлатимиз раҳбари халқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижадорлигининг таҳлили юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратди. Мактабларда маънавий муҳитни тубдан яхшилаш бўйича янги концепция ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Йиғилишда айтилган гаплардан ўзимга кўнгина хулосалар чиқариб олдим.

Президентимиз айтганидай, таълим-тарбия ишларини яхшилаш биргина Халқ таълими вазирлигининг эмас, балки фарзанд тарбияси учун масъул бўлган ҳар битта ота-онадан тортиб бутун жамиятнинг, кенг жамоатчиликнинг вазифаси

эканлиги видеоселектор йиғилишида аниқ-равшан баён этилди.

– Мактаб таълимини ислох қилиш, муаллимнинг обрўйини кўтариш, муаллимга имконият яратиш, муаллимга шароит яратиш, агар муаллим Янги Ўзбекистонга му-

Наздимизда, ҳозирги жадал ўзгаришлар ва ислохотларнинг мақсадига мос равишда қуйидагиларга эътибор берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аввало, ҳар бир муаллим ўзининг касбий-ижтимоий ҳолатини тўғри таҳлил қилиши, бугунги ислохотларда унинг ўрни ва амалга оширажак иши нимадан иборат эканлигини яхши ҳис қилиши зарур.

Иккинчидан, ўқитувчиларда ўз устида мустақил ишлаш кўникма-

ўзида ифодаловчи дарс тезиси тайёрлашни қайтадан жорий қилиш, фикримизча, таълимнинг сифатини кўтаришга таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир. Дарс учун тезис ёзиш “мажбурий меҳнат” эмас, аксинча, дарсни тартиблаштирувчи, ўқитувчи учун кетма-кетликни эслатиб турувчи ижодий ёндашуви, унинг ўзи учун белгилаган методик йўлидир. Таълим соҳасида “Дарс – муқаддас” деган тамойил бор. Ўқитувчи машғулотга ҳар жиҳатдан тайёргарлик кўриши, ҳар бир дарсни масъулиятни чуқур англаган ҳолда ўтказиши керак. Камчилик ва нуқсонларни бартараф қилиш учун ўқитувчи ўз устида тинмай ишлаши лозим.

Олтинчидан, ўқитувчиларимиз миллий-маънавий қадриятларимизни чуқур билишлари ва уларни таълим-тарбиянинг мазмунига чуқур синдиришлари қатъий қоида сифатида жорий қилиниши керак. Янги даврнинг маънавий пойдеворини яратиш шуни талаб қилади.

Ва ниҳоят, мактаб таълимида ота-оналарнинг ролини, жамоатчилик назоратини кучайтириш зарур. Тан олиш керак – ота-оналарнинг муайян қисми фарзандининг ўқишига, тарбиясига етарли эътибор бермайди, мактаб таълимига қизиқмайди, ота-оналар мажлисига бормайди ва ҳ.к. Агар уларда қизиқиш уйғота олсак, фарзандларининг ўқишига бўлган бефарқ муносабатини йўқота олса, шундагина мақсадлар уйғунлашуви пайдо бўлади. Шунинг учун мактаб ва синф раҳбарлари томонидан ота-оналар масъуллигини оширишга қаратилган тадбирлар тизимли ташкил этилиши зарур.

Шунингдек, ўқитувчиларга методик ёрдам беришда қуйидагиларга эътиборни кучайтириш: аввалдан мактабда мавжуд бўлган ибратли жиҳатларни инкор қилмасдан, уларни шароитдан келиб чиқиб, ривожлантириш лозим. Масалан, мактабларимизда ҳамкасблар ўртасида устоз-шогирд тизимини талаб даражасида ташкил этиш лозим. Ёш ўқитувчиларнинг кўп йиллик тажрибага эга бўлган устоз-муаллимларнинг дарсларига кириш амалиётини кучайтириш зарур. Шу орқали муаллимнинг ўз устида ишлаш кўникмаларини ривожлантириш мумкин.

Мактаб ўқитувчилари учун малака ошириш марказлари янгиликлардан хабардор қилиш, доимий тажриба алмашиш, янги методикаларни ўрганиш, тадқиқотчи сифатида фаолият юритишига кўмаклашувчи илмий-амалий майдонга айланмоғи лозим.

Саидахмад УСМОНОВ,
Ўзбекистон фахрийларининг
ижтимоий фаолиятини
қўллаб-қувватлаш “Нуроний”
жамғармаси Самарқанд вилоят
кенгаши раиси, халқ таълими
фахрийси



БИР УМРГА ТАТИГУЛИК 11 ЙИЛ

бўлиши керак. Бу гап бизга ҳам таллуқли. Шунинг учун “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари томонидан ҳозирги пайтда мактаблардаги мавжуд шарт-шароитлар ўрганилиб, тегишли таклифлар тайёрланмоқда, маҳаллаларда ота-оналар ўртасида фарзанд тарбияси, маънавий ва мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш ишлари олиб борилмоқда.

Халқимизда илм-маърифатга ҳавас, интилиш олий қадрият ҳисоблаб келинган. Инсонларга маърифат нури улашадиган муаллим, таъбир жоиз бўлса, маънавиятнинг чинакам тимсолидир. У ўзининг ана шу хислати билан бошқалар учун ибрат намунаси, элу юртга маърифат улашувчи, маънавият чашмасидан баҳраманд этувчи устоз, мураббий сифатида ҳар доим жамият иззат-икромига сазовор бўлиб келган. Янги Ўзбекистоннинг остонаси мактабдан бошланади, деган ҳақиқатнинг мазмун-моҳиятини бугун барча юртдошларимиз тушуниб етди.

Кейинги йилларни кўз олдимиздан ўтказарканмиз, ўтган давр мобайнида турли муаммолар, ҳар қандай шарт-шароит бўлишига қарамай давлатимиз раҳбарининг таълим соҳасида, айниқса, халқ таълими тизимида қадам-бақадам, изчиллик билан амалга ошириб келаётган ислохотларининг гувоҳи бўламиз. Бугунги кунда тизимда Президент мактаблари, ихтисослаштирилган ва хусусий мактабларда вариатив дастурлар, халқаро илғор тажрибаларга асосланган методикалар йўлга қўйилган. Эндиги навбат республикадаги барча мактабларга

носиб ҳаракатлар қилса, фарзандларимизни давр талабига муносиб ўқитишимиз мумкин. Мактаб тизимини тўғри қурилишини ўйладик, лекин ичкаридаги сифат нуқтаи назаридан, муаллимга шароит яратиш нуқтаи назаридан, ҳурматли мактаб директорларимизнинг қандай жонкуяр эканлигининг рейтингларини қилиш нуқтаи назаридан ҳаракатлар қилмаганимиз тўғри. Энг катта бойлигини халқимиз бизга ишониб 11 йилга беряпти, ўз зурриёдини, ўз фарзандини беряпти, бу қандай катта масъулият давлатга, энди хато қилишга ҳаққимиз йўқ! – деб таъкидлади Юртбошимиз. Мактаблар учун, ўқитувчининг касбий маҳоратини ошириш учун янги методикалар яратиш ва шу орқали таълимни ривожлантириш мумкинлигига алоҳида урғу берилди.

Давлатимиз раҳбарининг таълимни риожлантириш учун қилган бу қадар жонкуярликларига, даъватларига “Лаббай”, деб жавоб бериш, ислохотларга ўз хиссасини қўшиш, ҳар бир фуқаронинг зиммасидаги масъулият, бурч, вазифа эканлигини ҳис қилдим.

Хўш, худди шу шароитда, мавжуд талаблардан келиб чиқиб, кимларир бажаришини кутмасдан, ҳар биримиз мактабларда ўқув жараёнининг сифатини оширишда, ўқитувчи замон билан ҳамнафас фикрловчи, янгиликларга очик ва эркин ҳаракатланувчи, аввал ўз-ўзини ўқитиш билан шуғулланувчи, мактабдаги асл мазмун ва моҳиятни аниқ билиш ҳамда ўз касбига масъулиятли, ҳар қандай вазиятларга тайёр бўлишлари учун, биз нима қила олишимиз мумкин, деган ҳақли савол туғилади.

ларини ривожлантириш зарур, улар кимдир ўргатишини кутиши эмас, балки илғор тажрибаларни, янгиликларни ўрганиб, иш фаолиятида қўллаш олишига эришиш лозим. Бугунги муаллим ахборот-коммуникация технологиясини, интернетдан фойдаланиш кўникмаларини ўзлаштирган бўлиши муҳим.

Учинчидан, ўқитувчининг ўз касбига масъулият ва мослашувчанлигини ошириш лозим. Ҳар бир ўқитувчи ўз ишига ижодий ёндашиш кўникмаларига эга бўлиши лозим. Дарс машғулотида янги, инновацион методлардан кенг фойдаланиш, замонавий педагогик технологияларни кенг қўллаш олишига эришиш жуда муҳим.

Тўртинчидан, ўқитувчининг педагогик тайёргарлиги, психологик ҳолати синфга кириш талабига жавоб берадими, улар билан методик нуқтаи назардан ишлаш, малака ошириш марказлари профессор-ўқитувчилари билан устоз-шогирд тизимини йўлга қўйиш, ҳатто мактаб раҳбарлари ҳам дарсларни кузатиш орқали комплекс таҳлил қилишни яхши билишлари, дарс методик жиҳатдан қандай ташкил этилди, дарснинг илмийлиги қандай, ютуқ ва камчиликларини нималардан иборат, дарс психологик талабларга жавоб берадими ёки йўқми, машғулотда қўйилган мақсадга эришилди – буларни ҳар бир ўқитувчи билиши шарт.

Бешинчидан, ўқитувчиларнинг дарс ишланмаси (конспекти), машғулотнинг технологик харитасини тузишнинг энг содда ва дарснинг кульминацион нуқталарини

УНУТИЛМАС ТЎРТ КУН...

Ёхуд Қорақалпоқ экоинспекторларининг хавфли фаолияти билан танишув

Мен журналист сифатида жуда ҳам кўплаб медиатурларда қатнашганман. Аммо бу медиатур ўзгача бўлди. Нега дейсизми? Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Қорақалпоғистон экологияси” газетаси ва Ekolog.uz газетаси ҳамкорлигида Жанубий Устюрт миллий табиат боғи ва Судочье-Акпетки буюртма қўриқхоналарига уюштирилган медиатур республикамизнинг ўзига хос табиати, Ўзбекистон Қизил китобига киритилиб, йўқ бўлиб бораётган ноёб жониворларни табиат бағрида кўриш, экоинспекторларнинг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги машаққатли меҳнати ва хавфли фаолиятини ҳис қилиш имконини берди.

2022 йил 6 май куни республика ОАВ вакиллари Нукус аэропортига келиб тушгач, қорақалпоғистонлик ҳамкасблар билан кўришиб, дарҳол йўлга тушдик. Биринчи манзил “Борса келмас” туз кони.

Бешта “Нива” машинасида йўлга тушдик. Устюрт кенгликлари чегарасиздек, гуё. Уфқкача туташган дашт сукунатини фақатгина экоинспекторлар ва биз кетаётган “Нива”ларнинг овози бузади. Тақирликдан сакраб кетаётган машиналарнинг ғуруллаши кушларни, юмронқозикларни чўчитади.

— Ана тошбақа, тўхтанг. Орқадагилар босиб кетмасин...

Жанубий Устюрт миллий табиат боғи директор ўринбосари, биз ўтирган машинани йўлсизликдан моҳирона бошқариб кетаётган Азамат Айдарбеков иккинчи марта тошбақани кўрганимизда, машинани айтмасимдан тўхтатади. Югуриб олдиға яқинлашганим билан бошини косаси ичига торган каттагина тошбақани кўтариб, четга оламан. Устюртда ҳам афсуски чўл тошбақалари жуда кам қолишган. Шу даражада камки, улар 2019 йили Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Шунинг билан бу эримизда ҳам тошбақа йўли бўлган. Наҳотки, табиатга нисбатан бўлган ёвуз муносабатимиз оқибатида ана шу беозор жониворларни келгуси авлод фақатгина китоб саҳифалари ва ТВ архивларида кўрсан? Бу орада орқамиздан етиб келган тўртта машинадан тушган журналист ва блогерлар тошбақани суратга олиб бошлашди.

Ажойиб удум...

Бирданиға “юлдузга” айланган тошбақа бироз бошини косасидан чиқармай турди, кейин жуфтак-

ни ростлаш учун, бизни ҳайрон қолдирадиган тезликда ўрмалаб кетди. Энг қизиғи эса қорақалпоқлик ҳамкасбимиз Есимхон Қаноатов машинадан қатик олиб, “югуриб” кетаётган тошбақанинг устидан қуйди. Унга савол назари билан қараб турганимизни кўргач, Есимхон оға жилмайиб, гап бошлади:

— Қорақалпоғистонда қадимдан шундай удум бор. Агарда хонадонингизга судралиб юрувчи жонивор кириб қолса, унинг бошидан қатик ёки сут қуйилади. Айтишларича, уни ўлдирмай, оқлик билан сийлаган хонадонни судралувчи тарк этиб, қайтиб келмас экан. Бу ҳам ўзига хос табиат билан уйғунликда кун кечиришдир. Чунки сайёрамиздаги ҳар бир жониворнинг у хоҳ илон бўлсин, хоҳ пашша табиатда ўз ўрни бор. Бирортаси йўқолса, орқасидан камида тўртта тур йўқолиб кетади.

“Борса келмас”дан қайтиб...

Салкам 2 соат йўл юргач, “Борса келмас” туз конига яқинлашамиз. Узоқдан оқариб турган, бир пайтлар кўл бўлган, туз билан қопланган тақирликлар куёш нурида жимирлаб кўринади. “Борса келмас” га иккинчи мартаба келишим. Қотиб қолган тўлқинлардек оқариб турган кўл одамнинг ҳаёлини узоқ ўтмишга етаклайди. Тинмай эсаётган шамолнинг саси узоқ узоқлардан ўтаётган карвоннинг шовқини, нортуга бўйнига осилган кўнғирок сасини олиб келгандек, бўлади гуё.

Айтишларича, бу ер бундан 30 млн. йил илгари мавжуд бўлган Қорақум, Қизилқум ва Устюрт платосини қоплаган Тетис уммонининг

тубидир. Ҳозирда қуриган кўлнинг тубининг узунлиги 50 км. кенлиги 35 км. ни ташкил этади.

Кул тубида эҳтиёткорлик билан юриш керак. Усти худди муз сингари ялтираб турган тузларнинг тағи бўш бўлиши ҳам мумкин. Бу ернинг айнан “Борса келмас” деб аталишига сабаб эса, айнан шу ерда бутун карвонлар йўқолган, туя, от ва эшаклар, араваларни туз ютган, дейишади.

Бу ерда туз шу даражада кўпки, баъзи жойларда тўпланиб қолган сув буғланмай, кичик-кичик туз кўлчаларини ҳосил қилади.

Айнан шу ердан туз қазиб олинади. Туз Кўнғирот сода заводи учун асосий хом-ашё захираси бўлиб хизмат қилади. Бу сафар биз кўлнинг тубига етиб бормадик. Уни узоқдан томоша қилиб, йўлга тушдик. Бахтимизга кун салқин эди. Ҳали ўт-ўланлар жазирама куёш нурида қовжираб улгургани йўқ. Ҳар ерда тошбақаларнинг тўнкарилиб ётган оқарган косаси кўзга ташланади. Юмронқозиклар, машиналарнинг овозини эшитиши билан инларига кириб, ғойиб бўлишади. Бироз дам олиш учун тўхтаганимизда эса чўл калтакесаги бизларга мунчокдек кўзларини тикади, чаён эса қақирилмаган меҳмонлардан чўчиб, ковагини излай бошлади.

Жанубий Устюрт миллий табиат боғини ким қўриқлайди?

Яна йўлга тушамиз. Кейинги манзилимиз Сарикамиш кўли. У 2020 йилда ташкил этилган Жанубий Устюрт миллий табиат боғи худудида жойлашган. Яна тақирликдан сакраб-сакраб кетар эканмиз, Жанубий Устюрт миллий табиат боғининг директор ўринбосари Азамат Айдарбековни суҳбатга тортдик:

ЭЪЛОН

Тошкент Молия ва иқтисодиёт коллежи томонидан Жураев Муҳаммадали Нозимжон ўғли номига 2014 йил берилган К № 3526697-рақамли диплом йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.



—Вазирлар Маҳкамаси 11.11.2020 йилдаги “Жанубий Устюрт” миллий табиат боғини ташкил қилиш тўғрисида” қарорни қабул қилиниб, Президентнинг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 20 мартдаги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси худудида янги муҳофаза қилинадиган «Жанубий Устюрт» миллий табиат боғи ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикасининг Кўнғирот туманида давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида умумий майдони 1 447 143 гектар. Боғда бугунги кунда боғда ўсимликларнинг 66 та, судралиб юрувчиларнинг 9 та, кушларнинг 56 та, сут эмизувчиларнинг 19 та тури мавжуд. Шулардан миллий табиат боғи худудида ўсадиган 30 дан ортик ўсимлик турлари доривор ва озукавий бўлган ўсимликлардир. Судралиб юрувчилар ичида Қизил китобга киритилган чўл тошбақаси, бундан ташқари ўқ илон, агама, қуллон, жайрон, тулки, бургут, шахин, турли хил ўрдақлар учрайди. Аммо шундай катта худудни қўриқлашни ўзи бўлмайди. Салкам 1,5 миллион гектар ерни атиги 21 нафар инспектор қўриқлайди. Браконьерлик ҳолати ҳам учраб туради...

Наргис ҚОСИМОВА,
Тошкент-Нукус-Жанубий
Устюрт миллий боғи,
Судочье-Акпетки буюртма
қўриқхонаси-Нукус-Тошкент

Бадий адабиётда — тиббиёт

Яқинда Таълимни назорат қилиш инспекцияси Тошкент педиатрия институтига келди. Институтимизда бошқа тиббиёт институтларидан фарқли равишда дарс жадвалида “Бадий адабиётда тиббиёт” фанини кўрган текширувчи бу фанга қизиқиб қолди. Албатта, на Вазирлар Маҳкамаси, на олийтаълим қарор ва фармойишларида “қўйилсин!”, “ўқитилсин!” деб белгиланмаган фан ҳақида тушунчага эга бўлиб, унинг мақсад ва вазифаларига қизиққан комиссия аъзоси биз билан суҳбатлашгач фаннинг зарурлигини эътироф этди.

“Биз бўлажак шифокорларимизни қандай бўлишини хоҳлаймиз?” Албатта билимли, албатта меҳрли, албатта ҳамдард. Фикримча, биз тавсия қилаётгандарс давомида ўтаётган соҳавий бадий асарлари биз тарбиялаётган шифокорлар айнан шундай бўлиши йўлидаги энг катта кўмакчи ҳисобланади. Табобат отаси бўлмиш ибн Синонинг буюк табиблиги билан биргаликда шоир ва адиб бўлганлиги бунинг исботи.

Маълумки, рухшунос мутахассислар томонидан бадий адабиёт инсонларни яхши фазилатлар билан бойита оладиган, атрофдагиларга нисбатан эътиборли ва меҳрли бўлишига ёрдам берадиган соҳа эканлигини исботловчи кўпгина тажрибалар ўтказилган. Уларда бадий адабиёт кўпгинага-ройиботларни яратиш хусусиятига эга эканлиги ҳақида хулоса амалий жиҳатдан тасдиқланган.

Жумладан, хайр-саховат ишларида иштирок этиш истаги, фаол фукаролик позицияси, зўравонлик ҳиссининг камайиши ва ҳоказо. Маҳорат билан тасвирланган асар қаҳрамонлари бизни ушбу воқеа ичига чуқурроқ киришга мажбур қилади. Биз мутолаа жараёнида қаҳрамон аҳволи қандай экан, деб хаёлдан ўтказамиз ва маълум вазиятга тушган персонажнинг ўзини тутишини кузатамиз ва айнан шу вазиятда ўзимизни қандай тутишимиз мумкинлиги билан таққослаймиз.

Ёки бу вазиятни идрок этиш муҳимлигини кўз олдимишга келтириб, истикболдаги ҳаракатларимизни тасаввур қиламиз. Бу (бошқа инсон кўзи билан келажакни тасаввур қилиш) ўзгаларни тушуниш учун бажариладиган машқларни эслатади.

Шунинг учун канадалик рухшунос Кит Оутли бадий адабиётни: “Онгимизни машқ қилдирувчи тренажёр”, - деб атайди. Бадий адабиёт мутолааси бош миямизнинг у ёки бу соҳасини фаоллаштиради. Мутолаа ёрдамида биз биров учун қайғуришни ўрганар эканмиз, бадий адабиёт китобхонлари илмий-хужжатли асар китобхонларидан кўра яхшироқ ижтимоий кўникмага эга дея оламизми?

Бир синовда иштирокчиларга шундай вазифа топширилади: ҳаммага иккитадан кўз ифодаланган суратлар берилди. Топшириқ эса тақдим этилган суратдаги кўз ифодаси ва юз мушакларидан китобхоннинг қандай ҳис-ҳаяжонга тушишини кузатишдан иборат. Китобхонларга танлаш учун бир неча вариантлар тақдим этилади: уялиш, айбдорлик ҳисси, хаёлпарастлик, хавфсираш. Бир қарашда, кўзлардаги фарқни аниқлаш қийин эмасдек туюлса-да, аммо бу вазифа анча мушкул кечади. Мазкур вазифа натижаси эса шундай яқунланган: бадий адабиётни кўпроқ ўқиганлар юқори натижага эришган.

Демак, бадий адабиётни кўп мутолаа қилувчиларнинг ижтимоий билим орттириш қобилиятлари ҳам юқори, яъни улар бошқалар нимани ҳис қилиб ўйлаётганликларини яхшироқ англашади. Рухшунослар тажрибасига кўра, бадий адабиёт мутолааси давомида мия фаоллигининг кучайиши инсонда бировлар нима ўйлаётгани ҳақида мулоҳаза юритганда фаоллашадиган соҳаларда рўй берар экан.

Калифорния университетида роман мутолаа қилувчилар бошқаларнинг ҳис-туйғуларини яхши тушунишади, аммо бу уларни яхши фазилатлар эгасига айлантирадими ёки йўқми, деган саволга жавоб топиш учун тажриба ўтказилган. Бунда тадқиқочилар ҳаммага таниш усулни қўллашган.

Бехосдан бир нечта ручка ва қаламларни тушириб юборган киши бўласиз, сўнг сизга ёрдамга ким келишини кузатасиз. Ушбу топшириқда иштирок этувчилардан вазифани бажаришдан аввал бошқаларга ҳамдардлик даражасини белгиловчи саволларга жавоб беришни илтимос қилишади.

Кейинқисқа ҳикоя ўқилади ва бу ҳикоя уларга қандай таъсир қилганлиги ҳақида бир қатор саволлар берилди. Масалан, ўқиган роман қаҳрамонини қандай тасаввур қилади?

Ҳикояни ўқиб тугатгач персонажлар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлиш истаги борми? Эксперимент ташкилотчилари бошқа хонадан нимадир олиб келишмоқчи бўлишади ва шу онда 5–6 та ручкани бехосдан тушириб юборишар эди. Натижада, ҳикоядаги қаҳрамонга ҳамдард бўлиб, ҳаяжонга тушган китобхонлар ёрдамга шошилишар эди.

Ана шундай кўпгина тажрибалар ўтказган Европанинг етакчи мамлакатларидаги ОТМларининг тиббиёт факультетларида гуманитар модулларни киритаётганлиги бежиз эмас.

“Бадий адабиётда тиббиёт” ёки бошқача сўз билан соҳавий бадий адабиётни 3 йилдан бери ўқитиб келмоқдамиз.

Н.Қиличевнинг “Балик ови” асаридан бир боланинг вафот этганида оила аъзолари, шифокор қанчалик айбдор эканлиги ҳақида фикр юритишга мажбур қилса, Ш.Холмирзаевнинг “Бодом қишда гуллади” асари шифокор, ҳамшира, палатадагиларнинг гап-сўзлари, оддий ҳазили инсон саломатлигида қанчалик шифо берувчи ва бузғунчи роль ўйнаши мумкинлигидан сабоқ беради.

Азиз Несиннинг тиббиётга бағишланган ҳажвий асарлари кинояли кулгу билан тиббиётдаги муаммоларнинг оғриқ нуқталарини фош этса, Дино Буццатининг “7 қават” ҳикояси инсоннинг бирор воқеани ўзига олиши саломатлигида қанчалик фожеавий намоён бўлишини таъкидлайди.

Мазкур курс бизда 36 соат 18 жуфт соат сифатида дарс жадвалларимиздан ўрин олган. Дарс жараёнида талабалар шифокорлик билимларини бошқача – бадий сўз орқали қабул қилишади. Бу уларда касбий билим билан бирга инсонийлик, меҳр-шафқат, ҳамдардликкаби фазилатларини шакллантиради. Бир сўз билан айтганда қалб тарбияси билан шуғулланади.

Кавсар ТУРДИЕВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган ёшлар мураббийи,
филология фанлари номзоди,
доцент

БИР АЁЛГА ҚИРҚ ҲУНАР ОЗ

Ҳарбийларимиз кўнги тўқ, хотиржам хизмат олиб боришлари учун биринчи навбатта уларнинг оилалари осуда бўлиши, турмуш ўртоқларининг бандлиги таъминланган бўлиши муҳим ўрин тутди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат Маркази “ODO” тикувчилик ва бичувчилик курслари анча қўл келмоқда.

Мазкур курслар фаолият юритаётганига олтмиш йилдан ошган бўлиб, улар пойтахтимиздаги энг яхши курслардан бири ҳисобланади. Машғулотларда хотин-қизлар нафақат чиройли тўй ва окшом либослари тикишни, шу билан биргаликда уларни янада бежирим ва тақдорланмас қилиш сирларини ўрганадилар.

Эрақлар устки кийимлари тикувчилик курсларида эса костюмларга мос мато танлашдан бошлаб уларнинг мураккаб деталларига ишлов бериш малакаларини ҳам пухта ўзлаштириб келишмоқда. Шунингдек, интерьер дизайнини ва элита пардалари тикувчилиги, пазандачилик маҳорати мактаби

курсларида ҳам бир гуруҳ хотин-қизлар билимларни ўрганиб, ибратли оила бекасига айланмоқдалар.

— “ODO” тикувчилик ва бичувчилик курсларимиз авваллари фақат ҳарбийларнинг аёлларини касбга ўргатишга мўлжалланган эди, — дейди марказ директори Лобар Аюбова. — Биномиз ҳам шаҳардан анча узоқда жойлашгани учун кўпчиликка ноқулайликлар туғдирарди. Энди эса Президентимизнинг алоҳида эътибори натижасида пойтахтимиз марказидан қулай ва замонавий бино берилди. Бу, албатта, ишларимиз самарадорлигига катта туртки бўлди, десак хато бўлмайди. Марказимизга келиб касб ўрганиш истагида бўлган



хотин-қизлар сони ҳам кескин ортиб бормоқда. Шу боис эндиликда марказимизда фақатгина ҳарбийларнинг аёлларини эмас, балки мутахассис бўлиб етишиш, касб ўрганиш истагида бўлган барча хотин-қизларни йиллик ҳамда ойлик курсларимизда ўқита бошладик. Ўқишни битиргач, уларга диплом берилди. Бу диплом билан нафақат касб-ху-

нарли тадбиркорлик, ўқитувчилик ҳам қилиш мумкин.

Бу каби марказларни чин маънода рўзгор мактаби дейиш мумкин. Негаки бу ерда оила учун зарур бўлган уй юмушларини пухта ўрганган хотин-қизлар ҳар қандай ишни бемалол бажариб кетади.

Маъсуда ЁҚУБОВА

ЎЗБЕКИЯ:

ҚОҲИРА МАРКАЗИДАГИ ЎЗБЕК МАҲАЛЛАСИ

Бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида ўзбеклар номи билан аталадиган кўплаб кварталлар, маҳаллалар, боғ ва хиёбонлар бор. Улардан бири Миср пойтахти Қоҳира шаҳридаги ал-Азбаккия ёки Ўзбекия даҳасидир.

Маълумки, Миср тарихида ўзбеклар, умуман туркий сулолалар алоҳида ўрин тутди. Жумладан, Аббосийлар халифалиги даврида асли бухоролик турк Аҳмад ибн Тулун Мисрда мустақил давлат барпо этиб, 868 йили Тулуния давлатига асос солди. Бу сулола Мисрда ўттиз саккиз йил ҳукмронлик қилган. Аҳмад ибн Тулун пайтида Миср ҳар тарафлама ривожланган, ташқи алоқалар кенгайган. Пойтахт Қоҳира атрофи девор билан ўралган, "ал-Ҳасийна" қалъаси қурилган. Унинг ўғли Хуморвия ибн Аҳмад ҳам отасининг эзгу ишларини давом эттирган.

Бундан ташқари, Аҳмад ибн Тулун қадимги Қатоеъ шаҳрига асос солди, Ислом замонида у Фустот шаҳридан кейин Мисрнинг учинчи пойтахтига айланди. Кейинчалик бу шаҳар таг-туги билан вайронага айланган ва харобалари бизгача етиб келган.

Аҳмад ибн Тулун қурдирган жомеъ (масжид-мадраса) Мисрнинг ҳозирги кунда ҳам майдони жихатидан энг катта жомеъларидан биридир. Уни Аҳмад ибн Тулун милодий 878 (ҳижрий 265) йили қуриб битказган, Қоҳиранинг Сайида Зайнаб маҳалласидаги Ибн Тулун майдонида жойлашган.

Тулунийлардан сўнг Мисрда "ихшидийлар" номи билан машҳур сулолага асли фарғоналик Муҳаммад ибн Тоғоч асос солган. У Мисрда ўттиз беш йил (мил. 945-969, ҳиж. 323-358) ҳукмронлик қилган. Муҳаммад ибн Тоғоч одил, ботир, узокни кўра оладиган, теран мушоҳадали, тадбиркор подшоҳ сифатида ном қолдирган.

Мисрлик олимларнинг тадқиқотларига кўра, мамлакатнинг кўплаб ҳукмдорлари келиб чиқиши қипчок ўзбекларига бориб тақалган. Масалан, Миср султони Бейбарс асли қипчок бўлиб, Чиғатой улуси (Марказий Осиё), Хулоғулар (Эрон) ва Олтин Ўрда билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйган.

Ўзбекларнинг Миср подшоҳлари идоровий ҳаётида ҳам ўз ўрни бор. Улар саройда ўта эътиборли ва олий мансабларда ишлашган. Шундай амирлардан бири Амир Ўзбек Юсуфий эди. У подшоҳлик давлатининг буюк амири, Султон Қоитбей даврида энг таниқли раҳбар, давлат маслаҳатчиси, йўлбошчиси эди. Турли даврларда юқори мансабларда ишлаган Амир Сайфиддин, Ўзбек Махмудий, Амир

Қусмун Ўзбекиқ хам шулар жумласидан.

Мисрлик олима Можида Махлуфнинг ёзишича, мамлакат тарихий манбаларида ўзбекларни гўзал фазилатлар ва ажойиб сифатлар — шижоат, саховат, виқор, бошқаришга моҳир, ҳарбий интизомга эга халқ дея тавсифлашган. Ўзбекхоннинг ўзи арабий манбаларда одил ва саҳий подшоҳ бўлгани, унинг замонида Ислом гуллаб-яшнагани, уламоларни ва солиҳ кишиларни доимо иззат-икром этилгани таъкидланади.

Мисрда туркий тилдаги адабиёт хам ривожланган. Жумладан, таниқли ўзбек шоири Сайфи Саройи ўн тўртинч асрда Мисрда яшаб ижод қилган. Бугунги Миср Миллий кутубхонасида Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий сингари буюк мутафаккирларимизнинг нодир қўлёзмалари сақланмоқда. Бу қўлёзмалар хам Мисрда ўз-ўзидан бориб қолмаган, демак туркий адабиётга бу заминда қизиқиш катта бўлган. Араб тилининг Миср лаҳжасида хоним, афандим, бей, пошо, тўғри сингари ўнлаб туркий сўзлар ишлатилади.

Усманийлар даврида хам Мисрда ўзбекларнинг мавқеи жуда баланд эди. Истанбул, Дамашқ сингари шаҳарлар қатори Қоҳирада ўзбеклар кўниб ўтадиган такялар, қаландархона ва саройхоналар мавжуд эди.



Ўзбеклар Мисрнинг узок тарихи давомида унинг маданий ҳаётида хам алоҳида ўрин тутишган. Бунга ҳижрий 247 йили Қоҳирада, Нил дарёси ўртасида Равза оролида Аҳмад Фарғоний бино қилган биргина Нил миқёси (ўлчагичи)ни эслаш кифоя. Аҳамиятлиси шундаки, бу миқёсдан ҳозир хам кенг фойдаланилмоқда. 2008 йилда буюк аждодимиз Аҳмад ал-Фарғонийга Қоҳирада ҳайкал ўрнатилган.

Қоҳиранинг тарихий, файзли гўшаларидан яна бири Ўзбекия боғи ва маҳалласидир. Бир пайтлар бу ерда Бухоро, Тошкент, Фарғонадан ўзбеклар яшашган. Замонлар ўтиши билан улар ўз она тилларини унуттишган, кўпчиликнинг фамилиясида Бухорий, Шоший, Тарози, Фарғоний нисбалари сақланиб қолган.

Тарихчиларнинг ёзишича, бу боғ ва маҳалла тарихи XIV аср охирларига бориб тақалади. Мамлуқлар давлати султони Қоитбей Қипчок ўз саркардаси Сайфиддин Ўзбекни мукофотлаш мақсадида пойхат марказидан 60 жариб ер ҳадя қилади. Шу тариқа 1495 йилдан бошлаб бу ҳудудда Ўзбекия боғига асос солинади.

Ўтган асрнинг 20 йилларида бу ерда Ўзбекия театри қурилади. Бу театр узок йиллар Миср маданий ҳаётининг муҳим марказларидан бири саналган. Унда Миср ва дунё театрининг энг сара асарлари намойиш қилиб келинган. Боғда бир пайтлар мунтазам равишда китоб ярмаркалари ташкил этилган. Нобель мукофоти совриндори бўлган нажиб Махфуз ўз хотираларида бу боғ унинг севимли маскани бўлганини ёзади.

2006 йил Мисрда сафаримиз асносида Жиза эҳромлари, Сфинкс ҳайкали билан бирга Қоҳиранинг кўплаб тарихий ёдгорликлари, жумладан Салоҳиддин, Аҳмад ибн Тулун масжидлари, Хон-ал-Ҳалилий бозорини бориб кўрганмиз. Бозорда бир араб сотувчининг ўзбек тилида бемалол савдо қилишини кўриб, очиғи, роса ҳайратлангандим.

Афсуски, ўшанда Ўзбекия боғи билан яқиндан танишиш насиб этмади. Маҳаллий йўлбошчимиз доктор Адрий Атаба даҳасидан ўтиб бораётганимизда кўли билан баланд сарв дарахтлари ўсиб турган ҳудудни кўрсатиб, "ана Ўзбекия" дегани эсимда...

Хуллас, нима бўлганда хам олис Африка тупроғида миллатимиз номини эслатиб турадиган кўплаб ёдгорликлар, жой номлари, тарихий кадамжолар борлиги ҳар биримизни кувонтиради.

Рустам ЖАББОРОВ

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология ва
атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва
ишбилармонлар
ҳаракати —
Ўзбекистон
Либерал-демократик
партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкilotлари миллий
ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат
палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг
компьютер бўлимида
саҳифаланди.
"Шарк" нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-508
Адади: 1507.

Пайшанба кунни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.

Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон
матбуот ва ахборот
агентлигида

2006 йил 0010-рақам билан
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жихатдан
сифатли чоп этилишига "Шарк"
нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:
(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси — 131
"ЖАМИЯТ"дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

Шундай даҳо ижодкорлар борки, улар яратган асарларни миллионларнинг қалб мулки, маънавиятимиз хазинасининг жавоҳирлари сифатида қадрлаймиз. Даврлар ўтади, улар таъсирида юзлаб нузли истеъодлар камол топиб юқори чўққиларни забт этадилар. Ўз навбатида, бу шахслар даҳо ижодкорларни ўзларининг устозлари, деб биладилар. Ҳайратланарлиси шундаки, ана шу устозлик ва шогирдлик муносабатларига ҳатто улар яшаган давр оралигидаги юзлаб йиллар ҳам моне бўла олмайди. Алишер Навоий ва Эркин Воҳидов фаолиятлари мисолида ушбу ҳолни кўришимиз мумкин.

Бугун жаҳон илму фани, адабиёти, санъати ривожига ўзбек халқининг ўрни ва роли тайин этилган бўлса, Алишер Навоий каби даҳо ижодкорлар ва Эркин Воҳидов каби халқпарвар шоир, алломалар туфайлидир. Сўнгги йилларда мамлакатимизда юз бераётган ўзгаришларнинг қўлами ниҳоятда катта, айтиш мумкинки шу давр мобайнида юртимиз дунёга тамомила бир янги қиёфа, янги ташаббус, янги ғоялар билан танилди. Том маънода миллий тикланишдан миллий юксалиш сари қадам ташладик. Бу юксалиш ва ўзгаришлар замирида илм-фан, адабиёт, санъатга улкан эътибор ётишини мамлакатимиз раҳбари ўзининг ҳар бир нутқида қайта ва қайта таъкидлаб келмоқда. Албатта, бежиз эмас. Миллатнинг борлигини, улуғлигини намоён этиб турувчи жиҳатлар, бу унинг тили, адабиёт ва санъатидир.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангач, илк имзолаган қарори ҳам бевосита адабиёт соҳасига дахлдор бўлди. Яъни элимизнинг суюкли фарзанди, забардаст шоир, таниқли давлат ва жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида махсус қарор эълон қилинди. Қарордан келиб чиқиб шоир туғилиб ўсган Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани, “Беглар” маҳалласида Эркин Воҳидов уй-музейи очилди. Биргина шоир тимсолида бутун миллат адабиёти, маънавиятга кўрсатилган бундай улкан эътибор ва ғамхўрлик юртимиз зиёлийларини ҳаяжонга солди. Халқимиз суйган шоирига бўлган эътибор янада ошиб, унинг ижодини ўсиб келаётган янги авлодга етказиш бизнинг олийжаноб бурчимиздир. Чунки, адибимизнинг ижодда босиб ўтган йўлининг ўзи ёшларга ибратдир. Биргина болалик хотираларини ёдга оладиган бўлсак: шоир шундай ёзади: “Отам фронтда эканида онам кишлоқ кенгашида котиба бўлиб ишлар, қийинчилик билан кун кечирар эдик. Жўҳори поясини шимиб тилимни қонатганим, болаларга қўшилиб кунжара еганим учун онам юзимга шапалоқ ургани ва ўзи кечгача йиғлаганини унутмайман”.

Бундан кўриниб турибдики, адабиётимизда арузда ижод қилиб, Навоий ижодининг мукамал қирраларидан баҳраманд бўла олган, ҳатто дунё адабиёти дурдоналарини бизга таржима қилиб, тухфа этган адибимизнинг болалиги ҳам қийинчилик вақтларга тўғри келган экан. Эҳтимол, Навоий ижодига бўлган буюқ эҳтиром, миллий адабиёт ва тилимизга бўлган муҳаббат адибни водийдан азим шаҳарга олиб келгандир. Халқимизда “Эртани деган кечани кўймас” мазмунидаги ажойиб бир нақл бор. Буни миллий адабиётнинг келажаги унинг ўз ўтмишини қандай идрок қилинишига боғлиқлигини жуда эрта англаб етган адибимиз мумтоз адабиётдаги энг улуғ адиблар тажрибасидан баҳраманд бўлиб ижод қилди. Халқ шоири билан бўлган учрашувларнинг бирида: “Навоийнинг ижодини тушуниш, англаш учун форс, араб, эски ўзбек тилларини ўрганиш билан бир қаторда Қуръони карим, ҳадис, тасаввуф илмидан бохабар бўлиш, ундан кейин Навоий даврини, у яшаган

мухитни билиш лозим. Бугунги кунда Навоийни имкон қадар тўлиқ англашга интилиш учун ҳамма шароит етарли. Бу имкониятдан фойдаланишимиз керак. Навоийни билсак, ижодига чуқур кириб борсаккина, “Мен ўзбекман, Навоийни авлодиман” дея оламиз” деган фикрларида ҳам ёшларга ибратомуз тарзда ҳар қандай миллат ўз мумтоз сўз, кўнгли та-



рихини билишга қакиради. Шу билан бир қаторда, бугунги тезкор жараёнда маданиятлараро хилма-хиллик вужудга келиб, миллий маданиятда трансформацион жараёнлар кучайган бир пайтда мумтоз адабиётимиз, қолаверса Навоий ижоди намуналарини ўрганиш борасида ҳам қимматли мулоҳазаларини беришга ҳаракат қилган адибимиз. Бу тўғрида: “Навоийни ўрганишдан асосий мақсад, фақатгина сўз бойлигини ошириш эмас, балки ана шу ҳазинани тиклаш ҳамдир. Бир замонлар давр тақозаси билан мумтоз адабиётимиздан йироқлашдик, сўз бойлигимиз ниҳоятда қашшоқлашди. Энди янги авлодимиз олдида тил бойлигимизни тиклаш вазифаси турибди. Навоийни ўрганиш, уни халққа тушунтира билиш, етказиш учун, аввало ундан завқланиш керак. Навоий ижоди замирида инсон қалбини забт этувчи лутф, яширин ташбеҳ, муаммолар бор. Уларни тадқиқ қилиш, таҳлил этиш катта маъсулият талаб этади. Агар навоийшунослар шоир шеъриятининг гў заллиги, сехрини халққа етказа олишса, ўз-ўзидан ёшларда ҳам улуғ аждодимиз асарларига бўлган қизиқиш ортади”- деб таъкидлаб ўтган фикрлари ҳам биз учун ўринлидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қадам қўйиб, миллий тикланишдан – миллий юксалишга эришини ўз олдимизга энг муҳим ва устувор вазифа қилиб қўйган бир пайтда, адабиёт ва санъат соҳаларини ривожлантириш борасида қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳақда гапирганда Давлатимиз раҳбарининг қуйидаги фикрларини кетириш ўринлидир: “Биз Ўзбекистонда “Адабий дўстлик-абадий дўстлик” деган чуқур маъноли тамойилга амал қилган ҳолда. Жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўзбек тилига таржима қилиш ва нашр этиш масаласига ғоят жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Юртимизда дунё адабиётининг бебаҳо мулки бўлган минг-минглаб асарлар таржима қилиниб, китобхонлар қалбидан жой олгани, бадий таржима

ва таржимашунослик бўйича ўзига хос ижодий мактаб шаклланиганини алоҳида таъкидлаш лозим”.

Мана шундай йирик мактабнинг фидойий вакилларида бири ҳам Эркин Воҳидов бўлганлар. Янги давр немис адабиётининг асосчиси Й.В.Гётенинг ноёб мероси, шоир серқирра ижодий фаолиятининг гултожи бўлган “Фауст” трагедияси ўтган асрнинг 70 –йиллари бошида Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таржимасида ўзбекона оҳангда жаранглаб, адабиёт муҳлислари қалбидан чуқур жой олган.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу мақолада биз адиб ижодининг баъзи бир қирраларига тўхталдик, ҳолос. Бугун инсонлар орасида меҳр-оки-

маънода шоир бошқа тиллар маданияти билан ўз тили маданиятини уйғунлаштира олган.

Донишманд ўзбек шоирининг ақлини, кўнглини зириллатган чўнг фалсафа бугун дунёнинг турфа миллат вакиллари қалбларини ҳали ҳамон титратиб турибди. Орада неча авлод туғилиб улғайди, неча суварлар оқиб ўтди... Олам буткул ўзгарди, лекин шох асар – “Инсон” қасидасининг кадри ўзгармади. Мағзининг тўқлиги, мазмунига сингган ғоянинг бақувватлиги туфайли қасида замони ва маконини кенгайтириб яшаб келмоқда. Айниқса, бугун бани башар мана шундай кучли мафкурага ташна. Дунёда кечаятган ғалати воқеалар тўғрисида инсоният аслиятини, моҳиятини янгидан эслаб олиши бугун ниҳоятда зарур.

Зуваласи пишиқ шеърининг умри гўзал кўшиққа уланиб кетади. “Инсон” қасидасини болалик пайтларимиз устоз санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Шерали Жўраевнинг ижросида эшитиб улғайганмиз. Неча авлодни улғайтирди бу кўшиқ: оталаримиз ҳам, болаларимиз ҳам уни мароқ билан эшитди.

Президентимиз тақдим этган ғоя асосида “Инсон” қасидасини умумбашарий кўшиққа айлантириш ишига жамоа бўлиб киришилди. Шеърга Нодир Умаров куй басталади, Азиз Холмуродов куйни сайқаллади, Дилмурод Матқаримов овозларни ёзиш ишига масъул бўлди, Санжарбек Матқаримов клип концепциясини ишлаб чиқди.

Ёзувчилар уюшмасининг кўмаги билан шеър бошқа тилларга ўғирилди. Кейин ушбу лойиҳа бўйича ҳамкорлик юзасидан дунё юлдузлари жалб қилинди. Шу ўринда тилининг, сўзнинг қуввати ҳақида яна бир гапни айтиб ўтиш ўринли. Ташаббускорлар турли мамлакатларнинг машҳур хонандалари билан боғланганида, аввалбошда катта-катта гонорлар талаб қилишган экан, албатта, “юлдуз” бўлгач, бунга ҳаққи бор. Лекин ушбу лойиҳа моҳиятини англаб етганидан кейин бирин-кетин гонорлардан воз кечишган экан. Кўпчилик хорижлик хонандалар бу кўшиқни айтиш учун пул олиш айб, дейишган. Россиялик машҳур хонанда Олег Газманов лойиҳадаги иштироки учун олдиндан олиб бўлган гонорарини бояғи ҳолатдан кейин Ўзбекистонга дарров вакил юбориб, маблағини Тошкентдаги Меҳрибонлик уйларида бирига ўтказдирди. Мана, инсонийлик қандай яралади. Мана, Сўзнинг қудрати, Маънонинг моҳияти...

Шу зайлда Ўзбекистон ташаббуси билан халқаро проект дунёга келди. “Инсон” қасидаси ўзбек тилида Озодбек Назарбеков, козок тилида Омиркул Айниязов, араб тилида Аҳмад Ал-Хурайбий, туркчада Рафет Эл-Роман, итальян тилида Алессандро Сафина, инглиз тилида Дилафруз Рустамова, тожик тилида Зафар Абдуалимов, рус тилида Олег Газманов лафзидан янгради. Ғоя ғояга уланди. Бу кўшиқ донишманд халқимизнинг умуминсоний кадриятларга оҳангдош мафкурасини тараннум этди.

Шоирнинг ижодий маҳсули бўлган қасида айнан тил орқали жаҳон маданиятининг дурдонаси сифатида баралла жаранглади. Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, демак, бугун ҳар бир миллат вакиллари қатори, айниқса, ижодкор зиёлилар – шоир-ёзувчилар, таржимонлар, драматурглар, сценаристлар тилимиз софлигини сақлаш, бойитиш ва уни умумжаҳон тиллар доирасидаги кадриятини оширишга камарбаста бўлиши лозим.

Қундуз НИШОНБОЕВА,
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти доценти